

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 600-ҳадис

68- **Парҳезкор бўлиш ҳамда шубҳали нарсаларни тарк этиш ҳақида**

68-Боб

Парҳезкор бўлиш ҳамда шубҳали нарсаларни тарк этиш ҳақида

Аллоҳ таоло: «**Ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида улуг (гуноҳдир)**» (Нур сураси, 15-оят).

14 - **Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир**» (Фажр сураси, 14-оят), деб айтган.

Аллоҳ таоло: «**Ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида улуг (гуноҳдир)**» (Нур сураси, 15-оят).

«**Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир**» (Фажр сураси, 14-оят), деб айтган.

600 - **«Шак-шубҳасиз Парвардигорингиз (барча нарсани) кузатиб тургувчидир»** (Фажр сураси, 14-оят), деб айтган.

1. Нўъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим:

«Ҳалол очиқ-ойдиндир, ҳаром очиқ-ойдиндир. Иккисининг орасида

иштибоҳли нарсалар бор, уларни кўпчилик одамлар билмайди. Ким шубҳалардан сақланса, дини ва шаънини пок тутибди. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушиб қолади. Худди қўриқхона атрофида қўй боқаётган чўпон каби. (Қўйлари) ундан ўтлаб қўйиши ҳеч гап эмас. Огоҳ бўлинглар! Ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриқхонаси бўлади. Огоҳ бўлинг! Аллоҳнинг қўриқхонаси - Унинг ҳаром қилганларидир. Огоҳ бўлинглар! Танада бир парча гўшт бор. Агар у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади, у бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинглар! У - қалбдир».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI